

# НАШР МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ШАРТНОМАСИ

№ 37

Тошкент шаҳри

«28» июль 2022 йил

«HILOL NASHR» МЧЖ, кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади, *устав* асосида ҳаракат қилувчи директор А.Л. Sattiyev номидан бир томондан ва «VAQF» ХЖФ, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, *устав* асосида ҳаракат қилувчи фонд раҳбари в.в.б. М. Саломов номидан иккинчи томондан, қуйдагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» буюк алломаларимиз илмий меросига мансуб «Таъвилот Ал-Қуръон» (Имом Мотуридий 27-28-жуз) китобини Ўзбекистон товар хом ашё биржасининг электрон савдосида қўйилган № 114180 рақамли лот бўйича 2022 йил 19 июль кундаги электрон протколда қайд этилган техник талаблар асосида нашрдан чиқариб беради:

Маҳсулот номи	Таъвилот Ал-Қуръон 27-28-жузлар
Адади	500 дона
Бир дона маҳсулотнинг нархи	118 000 сўм (шу жумладан 15 % ҚҚС)
Бичими	70x100 1/16
Ҳажми	752 бет
Муқова	Қаттиқ
Матн қоғози	70 гр.
Муқова ранги	Бумвинил, зарли
Матн ранги	1+1
Шунингдек	Ўзб.товар хом ашё биржасининг 114180-рақамли лот бўйича 19.07.2022 йилдаги электрон протоколида қайд этилган бошқа техник талаблар.

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси **59000000 (Эллик тўққиз миллион) сум шу жумладан ҚҚС 7695 652,17 сўмни** ташкил этади.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 30 фоизини 5 (беш) банк куни ичида олдиндан тўлайди, шу кундан эътиборан шартнома қонуний кучга кирган ҳисобланади.
- 2.2. Шартнома суммасининг қолган 70 фоизи «ижрочи» томонидан нашр маҳсулотлари тўлиқ тайёрлангандан ва «буюртмачи» тегишли тартибда қабул қилиб олганидан сўнг, 5(беш)банк куни ичида тўланади.
- 2.3. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 3.1. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

- 3.1.1. Маҳсулотларни нашрга тайёрлаш жараёнида натижанинг салбий бўлиши мумкинлиги ёки унинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, бу ҳақда 5 кунлик муддатда «Буюртмачи»ни ёзма равишда хабардор қилиб, ишни тўхтатади. Буюртмага оид ишлар томонлар уни қайта кўриб чиқиб, тегишли тузатишлар киритилгандан сўнг давом эттирилади.
- 3.1.2. Бажарилган ишларда ўзининг айби билан йўл қўйилган, «Буюртмачи»нинг нашр этиш бўйича топшириғида ёки шартномада назарда тутилган бошқа параметрлардан чекиниш натижасида юзага келган камчиликларни ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан бартараф этади.
- 3.1.3. «Ижрочи»га маҳсулотни тайёрлашда зарур бўладган қўлёзма, дискет, суратлар ва ҳужжатларни мутасадди идорадан ўзи олади.
- 3.1.4. Буюртманинг бажарилиш муддати шартнома имзолангандан сўнг 60 иш куни.

### 3.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- 3.2.1. «Ижрочи»га нашр этиш бўйича шартнома асосида топшириқ беради ва у билан ишлар режаси ёки мавзусини келишиб олади.
- 3.2.2. «Ижрочи»га ушбу шартноманинг 1.2. бандида назарда тутилган суммани белгиланган миқдорда ва муддатда тўлайди.
- 3.2.3. Тайёр маҳсулотни ушбу шартномада назарда тутилган муддат ва тартибда қабул қилиб олади.
- 3.2.4. «Буюртмачи»тайёр маҳсулотни ўз транспортида олиб кетади.
- 3.2.5. Маҳсулотни олиб кетишда «Ижрочи»га ушбу шартноманинг бир нусхаси, ишончнома қоғози ва олиб кетувчининг паспорти тақдим этилиши шарт.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар мазкур шартнома шартлари ва мажбуриятларини бажармаган тақдирда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

## 5. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Томонларнинг ҳеч бири бошқа томоннинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини томонларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатларда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик судида ҳал қилинади.

## 7. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икала томон имзолаган ҳоллардагина кучга киради.

7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан ҳал қилинади.

7.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон бошқа томонга бу ҳақда ёзма хабарнома юборади.

## 8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартнома давлат тилида, бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

8.2. Шартнома томонлар имзолаган пайтдан кучга киради ва шартнома шартлари тўлиқ бажариб бўлгунга қадар амал қилади.

## 9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ИЖРОЧИ»

«HILOL NASHR» МЧЖ

Тошкент ш., Чилонзор т., Сўғалли ота 5

Тел: 217-54-78

Х/р.: 2020 8000 0048 8377 1001


Банк: "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ЧИЛОНЗОР

ФИЛИАЛИ

МФО: 00997

ИНН: 207 105 174

ОКЭД: 18120

Директор  Sattiyev A.L.



«БУЮРТМАЧИ»

«VAQF» ХҲҒ

Тошкент ш., Олмазор т., Қорасарой к., 47-уй

Тел: 71 240-18-90

Х/р.: 20212000 800881753001

Банк: "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ ЮНУСОБОД

ФИЛИАЛИ

МФО: 00837

ИНН: 207276595

ОКЭД:

 Раҳбаров А.Б. Саломов М.

